

O'zbekiston
iqtisodiy
axborotnomasi

1/2015

TAHLILIY JURNAL

ISSN 2010-6475

АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

№612

Экономический
вестник
Узбекистана

Toshkent
viloyati



EVU
DESIGN



Rivojlanish asoslari

Основы развития

127 – Read in English

WWW.EVU.UZ



Дорогие друзья, уважаемые коллеги!

21 марта, в день весеннего равноденствия, наступает Навруз - один из самых прекрасных и долгожданных праздников в году, признанный ООН культурным достоянием всего человечества.

От имени компании Gazprom International, единого специализированного оператора зарубежных проектов ОАО «Газпром», сердечно поздравляю братский узбекский народ с этим священным для каждого жителя республики торжеством.

Этот праздник, берущий начало в глубине веков, еще в дописьменной эпохе, и по сей день продолжает поражать воображение своей самобытностью, красочностью и преемственностью традиций, отражающих стремление к мирному труду, взаимоуважению и согласию между людьми.

Желаю всем гражданам дружественного Узбекистана мира, счастья, благополучия и прошу принять благодарность за то тепло и поддержку, которые мы повсеместно встречаем на вашей благодатной земле. Искренне верю, что наши совместные проекты, направленные на развитие и укрепление топливно-энергетического комплекса республики, внесут достойный вклад в процветание страны.

Крепкого вам здоровья, дорогие узбекистанцы, веселого и щедрого Нового года!

**С глубоким уважением,
Управляющий директор
компании Gazprom International
Валерий Гулев**

Navro'z bayramingiz muborak!





Muassis:
O'zbekiston Respublikasi
Iqtisodiyot vazirligi

Tahrir kengashi raisi
Saidova G.K.

Tahrir kengashi:
Abdurahmonov Q.X.
Ashrafxonov B.B.
Ismoilov N.M.
Oltiyev A.S.
To'rayev B.E.
Turdiyev S.
Shayxov A.E.
G'ulomov S.S.

Bosh muharrir
Saydaxmedov A.
Navbatchi muharrir
Yusupova M.S.

Bo'lim muharriri
G'oyipova S.A.
Reklama bo'limi mudiri
A'zamov Sh.B.

Jurnal tarqatish bo'limi mudiri
Xalilov D.A.
Badiiy muharrir
Belyatskaya E.V.

«O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi» jurnalidan olingan manbalar ko'rsatilishi shart. Tahririyat fikri muallif fikri bilan har doim ham to'g'ri kelmasligi mumkin. Mualliflar materiallardagi raqam hamda ma'lumotlarning to'g'riligiga javobgardirlar. Reklama uchun javobgarlik reklama beruvchilar zimmasiga yuklatiladi.

OBUNA INDEKSI: 834

O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligi ro'yxatidan o'tish tartibi № 0025. Ruxsat berilgan vaqti: 2006 yil 6 dekabr.

Bosishga ruxsat etildi: 24.03.2015-y. Shartli bosma taboq 18,75. Tiraj 3000 nusxa. Buyurtma № 64. Jurnal «Office Print» OK bosmaxonasida bosildi. 100015, Toshkent sh., Mirobod ko'ch., 41/2-uy.

Nashr O'zR OAKning ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal «O'zbekiston havo yo'llari» MAKning xalqaro yo'nalishlarida tarqatiladi.

Manzilimiz:

100003, Toshkent sh.,
O'zbekiston shohko'chasi, 55.

Telefonlar:

239-11-25 (qabulxona);
259-22-53 (mas'ul kotib);
259-22-26 (reklama bo'limi);
259-20-79 (jurnal tarqatish bo'limi);

e-mail: info@evu.uz;

<http://www.evu.uz>

O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi
ANALITICHESKIY JURNAL 1919 ©
Экономический вестник
Узбекистана
2014

Mundarija

№ 1/2015

00612

TOTAL
NUMBER

9

IQTISODIY RIVOJLANISH ASOSLARI

9 Islohotlar yurt ravnaqi, xalq farovonligi yo'lida

20

ISLOHOTLAR SAMARASI

20 Bekobod shahri

24 Chirchiq shahri

28 Bo'ka tumani

32 Ohangaron tumani

36 Chinoz tumani

38 Yangiyo'l tumani

42

BANK TIZIMI

42 Iqtisodiyot faollashishida tijorat banklari roli

45

AGROSANOAT

45 Modernizatsiya – rivojlanishga asos

48

TURIZM VA EKOLOGIYA

48 Sayyohlik – istiqbolli soha

50 Ekologik muhit muvozanati

53

SOG'LIQNI SAQLASH

53 Zamonaviy tibbiyot imkoniyatlari

56

TA'LIM TIZIMI

56 Barkamol avlod tarbiyasi

58

BOZOR MEXANIZMLARI

58 Mehnat bozorini rivojlantirish omillari

62 Bandlikni tartibga solish

64 Kichik biznesning istiqbolli loyihalari

68 Biznes va ishbilarmonlik qoidalari

Содержание

№ 1/2015

00612

TOTAL
NUMBER



Учредитель:

Министерство экономики
Республики Узбекистан

Председатель
редакционного совета
Саидова Г.К.

Редакционный совет:

Абдурахманов К.Х.
Ашрафханов Б.Б.
Алтиев А.С.
Гулямов С.С.
Исмоилов Н.М.
Турдиев С.
Тураев Б.Э.
Шайхов А.Э.

Главный редактор
Сайдахмедов А.

Дежурный редактор
Салоева Х.Р.

Зав. отделом рекламы
Азамов Ш.Б.

Зав. отделом
распространения
Халилов Д.А.

Художественный редактор
Беляцкая Е.В.

При перепечатке материалов ссылка на журнал «Экономический вестник Узбекистана» обязательна. Мнение редакции не всегда совпадает с мнением авторов публикуемых материалов. Авторы несут персональную ответственность за достоверность излагаемых фактов, точность цифровых данных, правильность приводимых географических названий, имён и фамилий. Ответственность за содержание рекламы несут рекламодатели.

ПОДПИСНОЙ ИНДЕКС: 834

Регистрационное свидетельство Агентства
по печати и информации РУз № 0025 от 06.12.2006 г.

Подписано в печать 24.03.2015 г.
Усл.-печ. л. 18,75. Тираж 3000 экз. Заказ № 64.
Отпечатано в СП «Office Print»
100015, г. Ташкент, ул. Мирабадская, д. 41/2.

Издание включено в официальный реестр ВАК РУз.
Журнал распространяется на международных авиалиниях НАК «Узбекистон ҳаво йўллари».

Адрес редакции:
100003, г. Ташкент,
просп. Узбекистанский, 55.

Телефоны:
239-11-25 (приёмная);
259-22-26 (отдел рекламы);
259-20-79 (отдел распространения);
e-mail: info@evu.uz;
http://www.evu.uz

LUKVO TEKSTIL	71
Качество и комфорт от LUKVO TEKSTIL	71
НАМКORBANK	74
«НАМКORBANK»: вместе к совершенству	74
ОСНОВЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ	75
Реформы для процветания страны, благосостояния народа	75
ЭФФЕКТИВНОЕ РЕФОРМИРОВАНИЕ	84
Город Алмалык	84
АО «АММОФОС-МАКСАМ»	88
Акционерное общество «Аммофос-Максам»	88
ЭФФЕКТИВНОЕ РЕФОРМИРОВАНИЕ	91
Город Ангрен	91
Город Бекабад	96
Город Чирчик	98
Аккурганский район	102
Бостанлыкский район	104
Куйичирчикский район	106
Паркентский район	110
Пскентский район	112
Уртачирчикский район	116
РЫНОЧНЫЕ МЕХАНИЗМЫ	119
Способы организации взаиморасчётов между предприятиями	119
Восстановление деятельности экономически несостоятельных предприятий	123

BANDLIKNI TARTIBGA SOLISH

Азиз ИСМАИЛОВ,

катта илмий-ҳодим изланувчи

Бандлик – аҳоли турмуш даражаси ва сифатини тавсифлайдиган муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири. Ўзбекистонда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга кўра, 16 ёшдан пенсия ёшигача бўлган, иш изловчи, ишлашга, касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишга лаёқатли шахслар ишсизлар сифатида эътироф этилади. Иш билан банд бўлганлар ва ишсизлар умумий сони ишчи кучини ташкил қилади. Ишчи кучига ишлаётган, ўз ишини бошлаган ҳамда иш излаётганлар киритилади. Болалар, меҳнат фаолиятига лаёқатсиз шахслар, нафақа олувчилар, таълим олаётган ёшлар, ногирон ва ҳарбий хизматдагилар бунга киритилмайди.

Бундан маълум бўладики, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламларини бутунлай банд қилишга эришиб бўлмайди. Чунки, бирлари ишчи кучи таркибига кирса, бошқалари ундан чиқади, учинчилари ишдан бўшатилади ёки уларнинг ўзлари бўшайди, тўртинчилари эса иш излаш ҳолатида бўлади, яъни ишчи кучининг меъёрида ҳаракатланиши юз беради ва унинг бир қисми қайсидир вақт оралиғида ишсиз бўлади. Масалан, АҚШда ишчи кучининг бешдан бир қисми ҳар йили ўз иш жойини ўзгартиради. Даврий ишсизлик мавжуд бўлмаганда, бандлик тўлиқ бўлади: тўлиқ бандликка эришиш учун айланма ҳаракат ва таркибий ишсизлик ҳисобга олинмайди. Шу жиҳатдан қаралса, тўлиқ бандлик ишсизлик мавжуд эмаслигини билдирмайди.

Ғарб услубиятига кўра, ишсизликнинг табиий даражаси тўлиқ бандлик шароитида айланма ҳаракат ва таркибий ишсизлик йиғиндиси сифатида қабул қилинган. Ишсизликни ҳисоблаш учун турли кўрсаткичлардан фойдаланилади. Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан умумқабул қилинган ишсизлик меъёри – иш-

сизлар умумий сони ишчи кучи сонига фоизларда ифодаланган нисбати сифатида аниқланади. Ғарблик иқтисодчилар ишсизликнинг табиий даражаси 5–6 фоизгача оралиқда бўлишини тўла меъёрий ва муқаррар, деб ҳисоблайди. Агар ишчи кучининг бандлиги 94–95 фоизни ташкил қилса, бу меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ бандлигига эришилганини билдиради.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида давлат ҳар бир кишини кафолатли иш жойи билан таъминлаш мажбуриятини олмайди. Қоплаш тартибида ишсизлик мақоми белгиланган, ишсизлар рўйхати ошкоралаштирилган, нафақалар тўлови, қайта ўқитиш ташкил қилинмоқда. Шу сабабли, айти пайтда бандлик муаммолари бўйича нуқтаи назарлар ҳам ўзгарди. Яъни, бандликнинг шакл ва турларини эркин танлаш бўйича қарашлар системаси вужудга келди, ҳар бир киши меҳнат фаолиятининг тури ва жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга. Қонунга мувофиқ, ҳар бир фуқаро ўзи хоҳлаган, лекин қонунга зид келмайдиган исталган ижтимоий фойдали фаолият турини ва иш жойини эркин танлаши мумкин, яъни ихтиёрий меҳнат қилишнинг демократик тамойиллари мавжуд.

Якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ижтимоий ишлаб чиқариш таркибида қайд этиладиган меҳнат мақомини олган. Тенг қулайлик тамойилларида ўриндошлик асосида ишлаш, вақтинчалик иш, бандликнинг эпизодик шакллари, эгилувчан, сирғанма график бўйича иш ўринлари бўлиши зарур. Бу каби меҳнат шакллари муҳим аҳамияти шундаки, уларнинг эркинлиги, эгилувчанлиги бозор иқтисодиётининг руҳи ва тамойилларига мос келади. Аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчилик меҳнат қилиш ҳуқуқлари кафолатининг бутун мажмуини ва кишиларга касби, стажи, ёши, яшаш жойини ҳисобга олиб, мос келадиган ишни

таклиф этишни кўзда тутати. Агар бандликни давлат томонидан тартибга солишнинг жаҳон тажрибасига назар ташласак, саноати ривожланган мамлакатларда ишсизлар ижтимоий ёрдамнинг турли кўринишлари ҳамда субсидиялардан фойдаланишади.

Бандлик бўйича давлатнинг тартибга солиш таъсирлари қуйидаги йўналишларда олиб борилади: давлат секторида бандлик ўсиши ва иш ўринлари сони кўпайишини рағбатлантириш дастурлари; ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурлари; ишчи кучини ёллашга кўмаклашиш дастурлари. Қисман бандлик ёки тўлиқсиз иш ҳафтасида ишлаш давлат субсидиялари билан рағбатлантирилади. Ишсизликни камайтириш учун эрта пенсияга чиқиш синаб кўрилмоқда. Масалан, АҚШда 80-йилларда меҳнат фаоллиги даври пенсияолди ёшидаги шахсларнинг 23 фоизи учун қисқартирилди. Англияда бунинг ҳисобига 750 мингта иш жойлари яратилди. Ишсизларга бериладиган ижтимоий ёрдамлар ҳам турлича кўринишда: ишсизлик нафақаси, пуллик қўллаб-қувватлаш ва моддий ёрдам.

Пуллик қўллаб-қувватлаш. Бу ишга эга бўлмаганларга молиявий ёрдам кўрсатишнинг иккинчи босқичи бўлиб, бир мамлакатда у қатъий ставкани (масалан, Францияда), бошқаларида ишсизлик нафақаси сингари иш ҳақининг маълум салмоғини (масалан, ГФРда бу тахминан 60 %) ташкил қилади. Айрим мамлакатларда, хусусан, АҚШ ва Японияда пуллик қўллаб-қувватлаш амалга оширилмайди. Ишсизлик нафақасидан фарқ қилиб, пуллик қўллаб-қувватлаш қисман, бир мартали тавсифга эга.

Моддий ёрдам. Агар у ёки бу инсон қайсидир сабабга кўра, ишламаса ва ишлай олмаса давлат унинг оиласига маълум пул маблағини ажратади ёки коммунал хизматлардан айри-ми, учун ҳақ, тўлайди, озиқ-овқатга талонлар беради ва ҳ.к. Буларнинг

бари ишсизни гарчи яшаш минимуми даражасида бўлмасда, қўллаб-қувватлаш учун амалга оширилади.

Бандликни тартибга солиш – қўйилган мақсадларга эришишда меҳнат бозорига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатишнинг давлат тадбирлари мажмуидир. Бандликни тартибга солиш мақсади – меҳнат бозорининг меъёрий ҳолатини акс эттириб, унга долзарб муаммоларни ҳал қилиш орқали эришилади, яъни:

- умумдавлат даражасидаги ижтимоий-иқтисодий вазибалар, қабул қилинадиган қарорлар у ёки бу даражада бандлик орқали ўз ечимини топиши;

- маҳаллий ҳокимиятлар меҳнат бозорини тартибга солишда ишчиларни оммавий ишдан бўшатишига йўл қўймасликлари, ишсизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши;

- маҳаллий даражада меҳнат бозорини тартибга солиш ишлари умумиқтисодий концепция асосида амалга оширилиши учун бандликни тартибга солишнинг иккита муҳим вазибаси ҳал қилиниши лозим:

Биринчи вазиба – меҳнатга бўлган умумий талаб ҳамда бандлардан самарали фойдаланиш, иш ўринлари эгилувчанлигини сақлаш, яширин ишсизлик даражасини барқарорлаштиришни кўзда тутадиган узоқ муддатли истиқболни аниқлаш;

Иккинчи вазиба – қисқа муддатли ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган потенциал ишчиларни оммавий тарзда ишдан бўшатишга йўл қўймаслик. Давлатнинг таъсир чораларини меҳнат бозоридаги ишчилар ва тадбиркорлар манфаатларини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан баҳолаш зарур.

Меҳнат бозорида умумижтимоий ва умумиқтисодий манфаатларни ҳисобга олувчи сиёсат юритиш келажакда аҳоли рационал бандлигини таъминлаш, ишчи кучи ва иш ўринлари мувозанатига эришиш учун хизмат қилади. Бунда оммавий ишсизликнинг олдини олиш, янги иш ўринлари яратиш ва мавжудларнинг самардорлигига эришиш, кадрлар салоҳиятини ошириш тизимини такомиллаштириш, меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигини ўстиришга

алоҳида эътибор қаратилади.

«Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади», дея таъкидлади Юртбошимиз. Демак, ушбу сиёсат замирида иқтисодий таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқариш ҳажми ошишини рағбатлантириш, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш тадбирларини фаоллаштириш мақсади мужассам. Умумиқтисодий, бюджет ва кредит сиёсати, инвестицион фаолликни ошириш ва мақсадли дастурларни амалга ошириш, чет эл инвестицияларини янги ишчи ўринларини яратиш учун рағбатлантиришга йўналтириш кўзда тутилади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида 2014 йилда мамлакатимизда бир миллионга яқин иш ўринлари яратилди. 2010–2013 йилларда бандликнинг тармоқ таркиби ўзгарди: саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим, маданият ва санъат, илм-фан ва илмий хизмат кўрсатиш, молия ва кредит, суғуртадаги бандлик улуши қисқариб, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, уй жой коммунал хўжалигидаги улуш бир мунча ошди. Мустақиллик йилларида бандларнинг мулкчилик шакллари таркиби ҳам тубдан ўзгарди. Ҳозирги пайтда 81,3 фоиздан зиёд аҳоли иқтисодийнинг хусусий секторида банд. Иккиламчи ва мустақил бандлик, шу жумладан, иқтисодийнинг норасмий секторидаги бандлик ҳам ривожланмоқда.

Бандликдаги салбий ҳодисаларни бартараф қилиш, мамлакат ва минтақавий даражада қўйилаётган вазибаларни ҳал қилиш учун қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- мавжуд иш ўринларидан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи мувозанатлашган инвести-

цион ва солиқ сиёсатини юритиш, бу борада кичик корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, капитал қўйилмаларни истиқболли тармоқларга йўналтириш;

- тифиз меҳнат бозорига эга минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти ривожланишини рағбатлантириш тизимини янада фаоллаштириш;

- иқтисодийнинг нодавлат секторида бандлик кўламларини оптималлаштириш.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳаллий ҳокимиятлар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда қуйидагиларга эътибор қаратилиши зарур:

- ички ишлаб чиқариш ўқувини ташкил этиш, ишдан бўшаш хавфи остидаги ходимларни устувор ўқитишни қўллаб-қувватлаш, малака ошириш имкониятларини кенгайтириш;

- жамоат ишлари турлари ва таркибини кенгайтириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини ҳисобга олиб, уларни ташкил этиш ва молиялаштириш;

- бандликнинг эгилувчан шакллари ривожлантириш;

- юқори малакали ходимларни қайта тайёрлашга ёрдам берувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;

- тўлиқсиз иш куни тартибида ишловчи ёки ишлаб чиқариш вақтинчалик тўхтаб қолиши билан боғлиқ иш ҳақи сақланмаган таътилдаги ишчиларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш;

- аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари – ёшлар, кичик ёшдаги болалари бор аёллар, ногиронлар учун бандликни кенгайтиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш;

- ишчиларни оммавий бўшатиш зарурати туғилаётган корхоналарда меҳнат шароити ва тартибини вақтинчалик ўзгартириш.

Ўйлаймизки, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб, бандлик муаммоларини ечишда амалиётга жорий этилса, бу жиҳат республикамиз аҳолиси бандлигини таъминлашда янги-янги истиқболлар очилишига хизмат қилади.